ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00458

ОНОМАСТИК ТАРКИБЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР КОННОТАТИВ МАЬНОСИГА ДОИР (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

Сафура Тўлқин қизи Худоёрова
Самарқанд давлат чет тиллари институти таянч докторанти

Ситора Нурулла қизи Худоёрова
Самарқанд давлат чет тиллари институти талабаси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада антропоним ва топоним компонентли фразеологик бирликларнинг коннотатив аспекти муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: антропоним, топоним, ономастика, фразеологик бирлик, тарих.

ON CONNOTATIVE MEANING OF PHRASEOLOGIES WITH ONOMASTIC CONTENT (ON THE EXAMPLE OF ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES)

Safura Tulkin kizi Khudoyorova
Doctoral student of Samarkand State Institute of Foreign Languages

Sitora Nurulla kizi Khudoyorova
Student of Samarkand State Institute of Foreign Languages

ABSTRACT

The article discusses the connotative aspect of phraseological units with anthroponymic and toponymic component.

Keywords: anthroponym, toponym onomastics, phraseological unit, history.

КИРИШ

Ономастик бирликлар фразеологик бирликлар таркибида ўзига хос миллий ва ижтимоий-маданий маьно касб этади, шунинг учун хам уларни турли тил ва нутқ вазиятларида қиёсий тадқиқ этиш бугунги тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан биридир. Айнан тилда, унинг лексик ва фразеологик фондида миллатнинг миллий характери, менталитети, тарихи ва маданияти акс этади [9]. Барча турдаги атоқли отлар фразеологик бирликлар (ФБ) таркибига

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00458

кириши мумкин, лекин булар орасида антропоним ва топонимлар энг кўп учрайдиганларидир. Атоқли отлар хусусан антропоним ва топонимлар йиллар давомида ўзига хос хусусиятлари билан ушбу тилда сўзлашувчилар онгида маьлум коннотатив маьно шаклланишига сабаб бўлади. Таркибида ономастик бирликлар мавжуд бўлган фразеологизмлар эса бундай коннотатив маьнони мажозий акс эттиришга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Атоқли отларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш бир қанча олим ва тилшуносларнинг диққат марказида бўлиб келган. Атоқли отларнинг умумий назарияси А.В Суперанская В.А Никонов А.А Реформацкий ўзбек ономастикаси масалаларини ўрганишга Ҳ. Ҳасанав С. Қораев Б.Аҳмедов Б. Йўлдошев ва бошқа олимлар муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Ономастик таркибли фразеологик бирликларни И.А Кондакова, В.А Хохлова, А.Ф Артемова ва О.А Леоневич, Г.Р Ганиева ва бошқалар инглиз тили ва бошқа тилларда қиёсий таҳлил этган бўлса, Г.Ҳ Обруева, Г.С Қурбонова, М.А Ражабова ва бошқалар ўзбек тилидаги ономастик фразеологизмларни инглиз ва француз тиллари билан чоғиштириб тадқиқ этганлар.

Антропоним компонентли фразеологик бирликлар тадқиқи атоқли отларни авлоддан авлодга ўтиб келувчи маданий ғоялар ва стереотиплар сақловчиси сифатида қарашга асос бўлади. [4, 4].

Тилшуносликда фразеологизмларнинг денотатив ва коннотатив маьноси ажратиб ўрганилади. Денотатив маьно (аташ маьноси) деб фразеологизмнинг обьектив, коннотатив маьноси эса субьектив маьносидир. Баьзи тилшунослар коннотатив маьнони денотатив маьнога қўшимча маьно сифатида таьрифлайдилар.Тилшунос олим Апресжаннинг фикрига кўра коннотация яьни семантик ассосиациялар, маьлум сўзнинг аньанавий миллий шунингдек бир қанча эксталингвистик (тилга боғлиқ бўлмаган) омиллар таьсиридаги маьносидир. А.И. Федоров ФБлар коннотациясини экспрессивлик билан боғлаб қуйидагича таьрифлайди “фразеологизмлар янги бир ҳодисани аташ учун эмас балки тилда аллақачон мавжуд бўлган предмет воқеа-ходиса характ ва сифатнинг образли-эмоционал баҳосини аниқлаштириш учун яратилади” [8,13]. Денотатив ва коннотатив маьно бир-бирига узвий боғлиқ. Коннотатив элементни аташ маьносидан ташқарида ифодалаб бўлмайди. Ҳар қандай вербал ва фразеологик белгилар обьективликни акс эттирувчи реал ҳодисаларни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00458

бевосита ёки билвосита субьектнинг воқеа ҳодисаларга нисбатан ҳис туйғулари ва баҳоси (оценка) орқали ифодалайди [6,53].

Таҳлил учун мисоллар инглиз ва ўзбек фразеологик ва паремиологик луғатлардан тўпланган. Ушбу бирликлар тарихий-этимологик, қиёсий ва дискриптив методлар орқали иккала тил мисолида ўрганилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Сўзнинг коннотив маьносини тўлиғича англаш учун бу сўз билан боғлиқ бир қанча маьлумотларга эга бўлиш талаб этилади. Агар бу сўз фразеологик бирлик таркибида бўлса вазият анада мураккаброқ бўлади яни бу сўзнинг коннотатив маьносидан ташқари уни маьлум бир вазиятда метафорик қўлланилишини ҳам этиборга олиш керак бўлади.

Умуман олганда, сўзда бўлгани сингари, ФБларда ҳам мантиқий-номинатив маъно билан бирга экспрессив-стилистик бўёқдорлик хам муҳим аҳамият касб этади дейди фразеолог олим Б. Йўлдошев. Тилшуноснинг фикрича коннотация, услубий бўёқ, услубий маьно атамалари бир тушунчани бир лисоний ҳодисани ифодалайди [2, 12-13]. Фразеологизмларнинг миллий-маданий жараёнини ўрганиш асносида маданий-миллий коннотатив ҳусусиятларни тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ [5,6]. Атоқли отлар билан боғлиқ бирликлар тарихни тарихий воқеаларни акс эттиришда беқиёс аҳамиятга эга. Ушбу мақолада биз асосан пайдо бўлиши ва шаклланишида тарихий шахслар ва тарихий воқеалар сабаб бўлган фразеологик бирликларнинг коннотатив маьносини ўрганишни мақсад қилганмиз. Антропонимларга кишиларнинг исмдари, шарифи, фамилиялар, тахаллуслар ва лақаблар киради. А. В. Суперанский антропонимларни икки турга ажратади – индивидуал ва умумий [7]. Индивидуал исмларга – машхур кишиларнинг исмлари киради (Амир Темур, Нютон). Умумий исмларга – индивидуал коннотацияга ега бўлмаган киши номлари киради. (Mary, Jack). Индивидуал шахс номлари кўпинча аниқ шахслар билан боғлиқ бўлиб уларнинг характери ва хусусиятлари исмларида намоён бўлади [12,227].

Тарихда ўзининг алоҳида хусусиятлари, кўрсатган жасоратлари ва бажарган ишлари билан ном қолдирган шахслар фразеологик бирликларда ҳам намоён бўлади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги антропоним компонентли фразеологик бирликларни коннотатив маьносига кўра учта гуруҳга ажратишимиз мумкин:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00458

1) Ижобий коннотацияли фразеологик бирликлар: *Оти бор Алпомиш* – жасоратли, мард; Алпомишнинг куч қудрати ва буюк жасорати достон бўлган *Афлотун мия* – жуда ақлли донишманд кишиларга нисбатан қўлланилади. Қадимги юнон файласуфи Афлотун ўзининг ўткир зеҳни ва ақл - фаросати билан танилган. Инглиз тилида *the admirable Crichton* – беқиёс Криҳтон ўқимишли киши (XVI асрда яшаб ўтган шотланд олимининг исмидан келиб чиққан) [3,185]; *all Sir Garnet* – бағоятда қониқарли (жоноб Гарнет Вулселей бир қанча муваффақиятли ҳарбий экспедитциялар етакчиси, армиядаги муҳим ислоҳотлари билан танилган) [11,120].

2) Салбий коннотацияли фразеологик бирликлар: *Махмуднинг қадами етган ерда ўт ўсмас* мақолида Маҳмуд Ғазнавийнинг золим ва қонхўрлиги назарда тутилган. *Бўжи келди бўжи келди Чингиз билан жўжи кеди* мақолида эса Чингизхон бошчилигидаги мўғулларнинг Ўрта Осиёга ҳужуми халқнинг нафратини қўзғатгани мақол таркибидаги *бўжи* сўзидан осонгина англаниши мумкин. Баьзан тарихий шахслар ўз ҳатти ҳаракатлари билан бутун жаҳонга машҳур бўлишади ва бошқа тиллар фразеологик фондида ҳам улар ҳақида ФБлар мавжуд бўлади. инглиз тилидаги *somewhere to the right of Genghis Khan* – ўнг қанот радикал қарашлари тарақида бўлиш, ушбу бирлик ҳам Чингизхоннинг шафқатсиз юришлари ва характери асосида пайдо бўлган. *Jack Ketch* - jallod, XVIII асрдаги инглиз жаллодининг исмидан келиб чиққан.

3) Нейтрал фразеологик бирликлар: *John Hancock* – шахсий имзо; (Америка давлат арбоби Ж. Ҳанкок мустақиллик декларациясига биринчи бўлиб имзо қўйган) [3,418]. Ўзбек тилида: *Даққи Юнусдан қолган* – қадимги, эски.

Нафақат тарихий шахслар балки улар билан содир бўлган воқеалар билан ҳам ФБлар мавжуд: *Purrhic victory* – қимматга тушган ғалаба (Эпирус шоҳи Фиррус мил.ав. 279 йилда римликлар устидан қозонган ғалабасида жуда кўп қўшин йўқотган). Кўриниб турибдики, иккала тилда ҳам антропоним таркибли ФБларнинг коннотатив маьносига уларнинг структурасидаги тарихий шахсларнинг хусусиятлари, характери ва одамларнинг уларга бўлган муносабатлари катта таьсир ўтказади.

Топонимика ономастиканинг муҳим қисми бўлиб географик номлар уларнинг маьноси структураси келиб чиқиши ва тарқалишини ўрганувчи соҳадир. Топоним компонентли ФБ ларда миллий-маданий коннотация янада ёрқин акс этади. А. В Уразметова топоним таркибли ФБларни таркибидаги жой номининг жойлашган ўрнига кўра икки асосий турга ажратади 1) таркибида шу

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00458

лингвомаданий жамиятга тегишли жой номлари бўлган ФБлар "ўз тононимлар" 2) таркибида ушбу тил амал қилмайдиган ҳудудларни атовчи топонимлари бўлган ФБлар "бегона топонимлар".

Иккала тилда ҳам ўз мамлакати, пойтахти билан боғлиқ ФБлар кўринча ижобий бўлиб, бундай бирликларда улар тинч осойишта ва жаннатмакон сифатида тасвирланган: *Merry England* – қадимий ва жонажон Англия; *London is a roost for every bird* – "Лондон барча қушларга макон бўла олади"; *as safe as the bank of England* – жуда хавфсиз. Ўзбек тилидаги *Тошкентнинг тариғини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келади*, *дўстлик шаҳри, нон шаҳри* каби бирликларда Тошкентнинг тинч,гўзал ва нозу- неьматларга тўлалиги мадҳ этилган.

Баьзи фразеологик бирликлар таркибидаги бир топоним бошқа жой номини англатиш учун қўлланилади: *New England of the West* – Миннесота штатининг бошқача номи (сўз. Ғарбнинг янги Англияси); *the eye of Greece* – Афина шаҳри метафорик номи. Ўзбек тилида: *Sharq gavhari*/*Ер юзининг сайқали* – Самарқанд; *Ўзбекистоннинг олтин водийси* – Фарғона. Бундай бирликларда ушбу жойнинг барчага маьлум ва машхур, мақтовга сазовор томонлари метофорик таьрифланган.

Иккала тилда ҳам *шарқ* ва *ғарб* сўзлари иштирокидаги ФБларни учратишимиз мумкин. Қуёш чиқиши ва ботиши таьсир этганлиги учундир балким *шарқ* ижобий ғарб эса салбий маьно бўёғига эга: *Мағрибга кетмоқ* – вафот этмоқ. Инглиз тилида: *about East* – тўғри; *go west* – муваффақиятсизликка учрамоқ, ютқазмоқ.

Ўтмишда маьлум воқеа-ҳодисалар содир бўлган, бирор бир вазифани бажарган жойлар турли маьно ассосиациаларга эга ва улар иштирокидаги ФБларда ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. Тайберн (Tyburn) Мидлсекс графлигидаги қишлоқ бўлган ва у 1196 йилдан 1783 йилгача Лондоннинг жиноятчиларни қатл этиш жойи бўлган. Ушбу жой номи иштирок этган барча ФБларда унинг тарихий вазифаси билан боғликликни кузатиш мумкин:
Tyburn blossom – ёш қонунбузар; *to dance the Tyburn jig* – дорда осилмоқ;
King of Tyburn - осиб ўлдирувчи жаллод; *Tyburn tree* - дор. Бундай бирликлар орасида жаҳон тарихида содир бўлган воқеалар ҳам фразеологияда ўз аксини топган: *Fiddle while Rome burns* - муҳим масала турганда арзимас ишлар билан шуғулланмоқ, милоддан аввалги 64 йилда Римда бўлган катта ёнғин пайтида Рим императори Неронинг ўзини тутишидан келиб чиққан [11,104]. *Roman holiday* тарихда римда ўтказилган гладиаторлар жангидан келиб чиққан бўлиб,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00458

ўзбек тилидаги *кимга аза кимга тўй* бирлигига мазмунан мос келади. Ахамиятлиси шундаки, инглиз ва ўзбек тиллари қардош бўлмасада бутун дунёга маьлум ва машҳур бўлган воқеалар таьсирида пайдо бўлган бирликларнинг баьзиларини иккала тилда ҳам учратиш мумкин. Американинг кашф қилиниши кўпчиликка маьлум: инглиз тилидаги *discover America* - ўзбек тилида *Америка очмоқ* – ҳаммага маьлум бўлган бирор нарсани таькидлаш ёки эьлон қилиш. Атлантика океанидаги Бермуд учбурчагидаги сирли ҳалокатлар ҳаммага маьлум: *Бермуд учбурчаги* инглиз тилида *Devil's Triangle* ёки *Bermuda Triangle* деб юритилади ва иккала тилда ҳам *сабаби номаьлум бўлган, ўта сирли* деган маьноларни билдиради.

Инглиз тилида ўзбек тилидан фарқли равишда структурасида кўча номлари бўлган ФБлар талайгина ва бундай бирликлар маьноси шу кўчада жойлашган давлат идоралари ва турли муассасалар фаолияти билан боғлиқ: *In Carey Street* – таназзулга учраш (Керри кўчасида қадимда банкротлик ишлари суди жойлашган); *Fleet Street* – инглиз матбуоти (асосий миллий газеталар нашриёти шу кўчада жойлашган);

ХУЛОСА

Ономастик бирликлар хусусан антропонимлар ва топонимлар асрлар давомида ўзига хос стереотиплар, символлар ва қарашлар шаклланишига сабаб бўлади. Улар фразеологик бирликлар таркибида учраганида эса миллий-маданий ижтимоий-сиёсий ва тарихий маьно ассосиациалари фразеологик маьнонинг ажралмас қисмига айланади. Бунда тарихда из қолдирган шахслар, тарихий воқеалар, жой номлари ва халқнинг уларга бўлган муносабати мухим аҳамият касб этади.Фразеологик бирликнинг умумий коннотацияси таркибидаги антропоним ва топонимларнинг ижобий ёки салбий маьно бўёғига эгалиги билан белгиланади. Бундай бирликлар асосан ҳар бир миллатнинг ўзигагина хос бўлган моддий ва маьнавий реалиялари билан боғлиқ ҳолда юзага келганлиги сабаб бошқа тилларда алоҳида изоҳ талаб қилади.

REFERENCES

1. *Артемова А. Ф., Леонович* О. *А.* (*2003) Имена собственные* в составе фразеологических единиц // *Иностранные языки* в *школе. . № 4*. С. *73-78*
2. Йўлдошев, Б (1998) Фразеологик услубият асослари. Ўқув қўлланмаси. - Самарқанд: СамДУ нашри. 200 б.
3. Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словар. – Москва: Русский язык, 1984. – 944 с.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00458

4. Кучешева, И.Л (2012) Имена собственные как термины в подязыке английской лингвокультуры. Автореферат. канд.…филол. наук.
5. Маматов, А. , & Болтаева, Б. (2018) Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. – Тошкент.
6. Мелерович, А.М (2008) Семантическая структура фразеологических единиц современного русского языка / А.М. Мелерович, В.М. Мокиенко. – Кострома: КГУ им. Н.А. Некрасова, – 484 с.
7. Суперанская, А.В (1973) *Общая теория имени собственного*.— М.:Наука,1973
8. Федоров, А.И (1980) Сибирская диалектная фразеология. Новосибирск. С 13-15
9. Шанский, Н.М. Фразеология современного русского языка: учеб. пособие для вузов по спец. «Русский язык и литература». – 4-е., изд., испр. и доп. / Н.М. Шанский. – СПб.: Специальная Литература, 1996. – 192 с.
10. Apresjan, J. D. (2000) *Semantyka leksykalna. Synonimiczne środki języka* [Lexical semantics. Synonym Resources in Language]. Wrocław-Warszawa-Kraków: Ossolineum
11. Judith, S. (2004) The Oxford Dictionary of Idioms. – 2nd edition. – Oxford University press, 2004. – 340
12. Xudoyorova, S. (2020). Semantic and etymological classification of English and Uzbek phraseological units with personal names. *ISJ Theoretical & Applied Science, 07 (87)*, 227-230. Doi: https://dx.doi.org/10.15863/TAS